



THE POLICY OF INVOLVING WOMEN IN COOPERATIVE ORGANIZATIONS IN THE 1920S-1950S

G.A. Dadamirzaeva

PhD, Associate Professor

Department of History, Namangan State University

Namangan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: cooperative, cooperation, handicrafts, credit, consumer cooperation, collectivization, women, cooperation of the disabled, Soviet government, New Economic Policy, association, artel, insurance, Stakhanovites.

Received: 25.09.25

Accepted: 26.09.25

Published: 27.09.25

Abstract: This article analyzes the process of involving women in the cooperative movement during the 1920s–1950s. It examines the state of handicrafts in the region under the conditions of implementing the policy of collectivization. Based on primary archival sources and periodical press materials, the study explores the state policy aimed at involving women in handicraft cooperative associations and reveals its essence and content.

XX АСРНИНГ 20-50-ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КООПЕРАТИВ УЮШМАЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ СИЁСАТИ

Г.А. Дадамирзаева

PhD, dotsent

Наманган давлат университети Тарих кафедраси

Наманган, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Кооператив, кооперация, хунармандчилик, кредит, матлубот, кооперативлаштириш, хотин-қизлар, ногиронлар кооперацияси, совет ҳукумати, янги иқтисодий сиёсат, уюшма, артел, суғурта, стахановчилар.

Аннотация: Мақолада XX асрнинг 20–50-йилларида аёлларни кооператив ҳаракатга жалб қилиш жараёни таҳлил қилинган. Кооперативлаштириш сиёсатини амалга ошириш шароитида ўлкада хунармандчиликнинг аҳволи ўрганилди. Бирламчи архив манбалари ва даврий матбуот материаллари асосида аёлларни хунармандчилик кооператив бирлашмаларига жалб қилишга қаратилган давлат сиёсати ва унинг мазмун-моҳияти тадқиқ этилган.

ПОЛИТИКА ПРИВЛЕЧЕНИЯ ЖЕНЩИН В КООПЕРАТИВНЫЕ ОРГАНИЗАЦИИ В 1920-1950-Х ГОДАХ

Г.А. Дадамирзаева

Кандидат наук, доцент

Кафедра истории, Наманганский государственный университет

Наманган, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: кооператив, кооперация, ремесленничество, кредит, потребительская кооперация, кооперирование, женщины, кооперация инвалидов, советская власть, новая экономическая политика, объединение, артель, страхование, стахановцы.	Аннотация: В статье проанализирован процесс привлечения женщин к кооперативному движению в 20–50-х годах XX века. Изучено состояние ремесленного производства в регионе в условиях проведения политики кооперативизации. На основе первичных архивных источников и материалов периодической печати исследована государственная политика, направленная на вовлечение женщин в ремесленные кооперативные объединения, а также раскрыты её сущность и содержание.
---	---

Кириш. Ўзбекистон тарихининг совет даврини ўрганишга оид тадқиқотларда кооператив ҳаракатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти масаласи бир қатор тарихчилар томонидан ўрганилган. Бу йўналишдаги асосий эътибор советларнинг кооператив режалари ҳамда қишлоқ хўжалиги, ишчи, кредит, матлубот кооперациялари соҳасидаги фаолияти ва сиёсати масалаларига қаратилди. Мазкур тадқиқотларда кооперативлаштириш сиёсатига ижобий баҳо берилди[2].

Шу ўринда қайд этиш керакки, XX асрнинг 70-йилларигача ишлаб чиқариш кооперативлари фаолияти тарихчилар томонидан алоҳида объект сифатида ўрганилмаган. Иқтисодчилар томонидан ушбу соҳада олиб борилган тадқиқотларда ҳунармандчилик кооперацияси ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий тузилиши, уларнинг иқтисодий аҳволи ва хомашё таъминоти каби масалалар ёритилган. Мазкур жараёнда тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётган даврда кўплаб иқтисодий режа кўрсаткичлари таҳлил қилинди[6]. Шунингдек, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришда ҳунармандчилик кооперативларининг ролини ошириб бориш зарурияти кўрсатиб берилди[7]. Ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар томонидан эълон қилинган ишларда кооператив корхонани ташкил этиш, унинг тузилиши, ҳуқуқий мақоми, хўжалик юритиш фаолияти ёритилган. Улар асосан, мазкур тизимдаги иш юритиш ҳамда кооператив техникум ва олий ўқув юртлари учун қўлланма вазифасини бажарган. Мазкур қўлланмалар ҳам ҳунармандчилик кооперацияси тугатилиши билан нашр этишдан тўхтатилган. Ушбу изланишлар ишлаб чиқариш

кооперативларининг тарихий ривожланиши ҳамда унга нисбатан давлат сиёсатини аҳамиятини очиб бера олмайди. Шу билан бирга хунармандчилик кооперацияси бўйича тадқиқотлар жуда кам бўлишидан ташқари тарғибот характериға эға эди. Ёзилган мақолаларнинг аксарияти журнал ва газеталарда нашр қилинган. Хотин-қизлар масаласи бўйича олиб борилган тадқиқотларда асосан аёлларни озод қилиниши, таълим олиши каби жиҳатларға эътибор қаратилган. Маълумки, кооперация ўз табиатига кўра тарихий-иқтисодий, ижтимоий характерға эға. Турли нуқтаи назарларға қарамай совет ҳукумати ундан жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда кенг фойдаланди. Ўзбек аёлларини социалистик қурилишға ва айнан хунармандчилик артелларига бирлаштириш масалалари тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шунинг соҳадаги илмий бўшлиқни тўлдиришға қилинган ҳаракат сифатида ушбу мавзуга мурожаат қилиш зарурати юзага келди. Асосий вазифа эса архив ва даврий матбуот материаллари асосида хотин-қизларларнинг кооператив ҳаракат ривождаги ўрни ва ролини кўриб чиқишдан иборат. Ўзбекистон тарихининг мураккаб ва зиддиятли жараёнлар давриға холис баҳо беришға алоҳида эътибор қаратилди.

1920–1950-йилларда мамлакатда юз берган жараёнларда аёлларнинг иштирок этиши натижасида тўпланган ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибани ўрганиш, совет даври тарихини янада холисроқ баҳолаш имконини беради. Шунингдек, кооператив ҳаракатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда тўплаган тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятға эға бўлиб, агар у замонавий шароитларға мослаштирилса, бугунги кунда ҳам самарали қўлланилиши мумкин. Кооперациянинг аёллар салоҳиятидан фойдаланиш борасидаги тажрибаси яъни, ишлаб чиқаришда, уй шароитида иш ўринларини ташкил этишда, турмуш шароитини яхшилашда, маданий-маърифий соҳасидаги масалаларини ҳал этишда ижобий самара бериши мумкин.

Асосий қисм. Туркистон Компартияси ва Советлари фаолиятининг дастлабки давридаёқ хунармандчилик ишлаб чиқаришиға катта аҳамият берди. Бу тармоқнинг ТАССР хўжалик ҳаётидаги роли айниқса фуқаролик уруши йилларида кескин ортди, чунки Туркистон бир неча муддат давомида мамлакатнинг саноат марказларидан бутунлай узилган эди. Натижада, саноат маҳсулотлари келиши тўлиқ тўхтади ва ТАССРда товар танқислиги юзага келди. Бундай шароитда маҳаллий хунармандчилик ва косибчилик ишлаб чиқариши товар етишмовчилигини юмшатишда муҳим рол ўйнади. У давлатға қарашли йирик саноатни кийим-кечак, пойабзал, майший буюмлар, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришда тўлдириб турди[8:46].

Хунармандчилик ва косиб ишлаб чиқаришиға катта аҳамият берган ҳолда, Туркистон АССР ХКС ҳузурида ташкил этилган ТАССР Халқ хўжалиги Совети 1918 йил 27 июнда

Саноат ишлари комиссарлиги таркибида махсус хунармандчилик бўлими ташкил этилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Бу бўлим республикадаги хунармандчилик ишлаб чиқаришини тартибга солиш ва ривожлантириш масалалари билан шуғулланиши белгиланди[12:20].

Бу даврда маҳаллий хўжалик органлари томонидан хунармандлар билан ишлашда бир қатор хатоларга йўл қўйилган эди. Ушбу хатолардан бири шунда намоён бўлдики, айрим маҳаллий советлар ва халқ хўжалиги кенгашлари хунармандларни Совет давлатининг манфаати йўлида ҳамкорликка жалб қилиш ўрнига, хунармандчилик корхоналарини миллийлаштиришга уринишди. Бу эса хунармандлар орасида табиий норозиликка сабаб бўлди ва кўп минг кишилик хунармандлар армиясини Совет ҳукуматидан узоқлаштириш хавфини келтириб чиқарди. 1919 йил март ойида бўлиб ўтган РКП(б)нинг VIII съездида қабул қилинган партия дастурида хунармандчилик саноатига нисбатан қуйидагилар таъкидланган эди: “Хунармандчиликдан кенг миқёсда фойдаланиш зарур, яъни хунармандчилик ва кичик саноатни хом ашё ва ёқилғи билан таъминлаш умумий режасига қўшиш, давлат буюртмаларини бериш орқали молиявий ёрдам кўрсатиш лозим. Бу ёрдам, айрим хунармандларни, хунарманд артелларини, ишлаб чиқариш кооперативлари ва кичик корхоналарни йирикроқ ишлаб чиқариш ва саноат бирлашмаларига бирлаштириш шарти билан амалга оширилиши керак. Бундай бирлашмаларни рағбатлантириш — уларга иқтисодий имтиёзлар бериш орқали таъминланади[4:50-51]”. Бу чоралар хунармандларни кичик саноатчиларга айланиш истагидан қайтариш ва уларни оғриқсиз равишда илғор, йирик, машиналаштирилган саноатга ўтказишни таъминлашга қаратилган эди.

Туркистонда хунармандларнинг кооперативлаштириш 1919 йил ўрталарида РКП (б)нинг VIII съезди қарорлари асосида бошланди. Туркистон ўлкаси коммунистларининг 1920 йил январда ўтказилган конференциясида хунармандларни кооперативлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, конференциянинг иқтисодий тараққиёт тўғрисидаги қарорида Туркистонда совет ҳокимиятининг асосий вазифаларидан бири “қосиб ва хунармандларга кенг моддий ёрдам кўрсатиш, уларни уюшмаларга бирлаштириш орқали аста-секинлик билан кичик хунармандчилик ишлаб чиқаришига жамлаш” эканлиги кўрсатилди[5:8].

1920 йил апрель ойида Туркистон Республикаси Марказий Халқ Хўжалиги Кенгаши Президиуми қарорига мувофиқ, барча хунармандчилик-артеллари маҳаллий Халқ Хўжалиги Кенгашининг хунармандчилик-кооператив бўлимида, шунингдек, Халқ Хўжалиги Кенгашининг тегишли бўлимларида рўйхатдан ўтиши шарт деб белгиланди. Агар улар бундай рўйхатдан ўтмаса, юридик шахс мақомидан маҳрум этиларди. Бу чоратadbирлар фуқаролик уруши шароитида, хом ашё ва озиқ-овқат танқислиги, шунингдек

халқ хўжалигидаги умумий вайрона ҳолат туфайли жорий этилган эди. Ушбу шароитда давлат барча саноатни ўз назоратига олди, бошқарувни максимал даражада марказлаштирди, хом ашё захираларини ўз қўлига тўплади ва маҳсулотларни тақсимлашни ҳам қатъий тартибга солди[5:8].

1925 йил баҳорида СССР Марказий статистика бошқармасининг топшириғи билан, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ўтказилди, унда ушбу соҳага оид бўлмаган тармоқлар ҳақида 3 та савол киритилди, яъни: қандай хунармандчилик билан шуғулланади, унда қанча одам ишлайди, қайси ойларда фаолият олиб боради (неча ой)[10:13]. Ушбу намунавий сўров тўлиқ Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Зарафшон, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилди, лекин рўйхатга олиш Сурхондарё вилоятида ўтказилмаган. Уй бекалари рўйхати аҳолини тўғридан-тўғри ўрганиш орқали эмас, балки маъмуриятнинг гувоҳликлари асосида тузилганлиги учун ноаниқликлар бор эди. Ноаниқликлар аёллар хунармандчилигига тегишли бўлиб, ҳовлининг аёллар яшайдиган қисми- “Ичкари”даги (бегона эркаклар кириши ман қилинган жой) маълумотлар юқорида таъкидланганидек гувоҳлар ёрдамида олинган. Шаҳарлар ва шаҳар типидagi аҳоли пунктларини ўрганиш 1925 йил май ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР Давлат Режа қўмитаси томонидан Ўзбекистон Олий иқтисодий Кенгаши ташаббуси билан амалга оширилди. Ишлар кичик хунармандчилик ишлаб чиқариш пунктларининг зич жойлашган ҳудудларини ўрганиш тамойили асосида амалга оширилган. Текширишнинг вазифаларига нафақат хўжаликлар ва хунармандлар сонини, уларнинг географик тарқалишини, хом ашё етказиб бериш ва тайёр маҳсулотни сотиш ҳудудларини аниқлаш, ҳамдахунармандларнинг бюджетини таҳлил қилиш ҳам кирган. Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРдаги хунармандчиликни ўрганиш турли усуллар билан, лекин деярли бир вақтда, қишлоқ жойлари ва шаҳар аҳоли пунктларида амалга оширилган. Ўзбекистонда суғориладиган ер майдонларининг чекланганлиги ваери бўлмаган хўжаликларнинг катта фоизи аҳолини хунармандчилик билан банд бўлишга мажбур қилди. Бундан ташқари етарли даражада ривожланмаган алоқа йўллари ва воситалари ҳам аҳоли эҳтиёжларини фақат маҳаллий ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан қондирилишига олиб келди[10:14]. Рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Бухоро округи иқтисодий жиҳатдан собиқ Бухоро Республикасининг энг бой округларидан бири ҳисобланади. Округ аҳолиси асосан деҳқончилик, хунармандчилик ва қисман савдо билан шуғулланади. Шунингдек, деҳқончилик мавсумида иш бўлмаган вақтларда аҳоли хунармандчилик билан ҳам машғул бўлади. Айниқса ўзбек аёллари маҳаллий пахта ипини тайёрлайди, турли буюмларга нақш туширади, кўрпача ва чопон тикиш, мато тўқиш ва бошқа бир қатор ишлар билан банд бўлади. Ўзбек аёлларининг энг қимматли хунармандчилик маҳсулотлари сифатида «сўзана», дўппи ва тасмаларга нақш солиш

хисобланади. Бироқ инқилоб даврида уларни хорижга чиқариш тўхтаб қолгани боис бу турдаги ишлаб чиқариш бутунлай тўхтаб қолди. Бухоро округида, маълумотларга кўра, тахминан 10 минггача ҳунармандлар шу касб билан шуғулланган. Қолган қисми — тахминан 30 минг киши, асосан ўзбек аёллари, ҳунармандчиликдан чекиниб, деҳқончилик ёки савдо билан шуғуллана бошлаган. Бунинг сабаби, бир томондан маҳсулотга бозорда талаб йўқлиги, иккинчи томондан эса зарур хом ашё етишмаслиги ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг эскириб, ишга яроқсиз ҳолга келиши ҳамда уларнинг аста-секин замонавийроқ жиҳозлар билан алмаштирилишидадир[10:43]. Маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳунармандларнинг асосий қисми ўз касб-корини ташлашга мажбур бўлди.

1925-1926 йилларда Ҳунармандчилик уюшмасида ташкилий-инструкторлик бўлими фаолият олиб борди ва инструкторларнинг фаолияти жойлардаги тезкор топшириқлар боғлиқ эди. Ташкилий бўлимнинг асосий вазифаси артеллардаги ижтимоий таркибни «тозалаш»дан иборат бўлди. Жами 278 та артеллардаги 10367 нафар жисмоний шахс текширилди, бу эса қуйи тизим таркибининг 78 фоизини ташкил этар эди. Текширув натижасида тизимдан жами 339 нафар жисмоний шахс чиқарилди ва 53 та артель тугатилди. Жисмоний шахсларни тизимдан чиқариб ташлашнинг асосий сабаблари кооператив шаклини хусусий тадбиркорлар томонидан сохта кооператив сифатида ишлатилиши, артеллар ижтимоий таркиби ҳунармандчилик кооперациясига бегона бўлганлиги, асосий устав қоидаларига риоя қилинмаганлиги деб кўрсатилди[15:291]. Аёлларни кооперацияга жалб қилиш билан махсус шуғулланиш учун ташкилий бўлим аппаратида махсус «аёллар инструктори» лавозими киритилди[15:293]. Бу тадбирлар натижасида секинлик бўлсада, аёллар артелларга киритила бошлади.

Таъкидлаш жоизки, Хоразмда ўша даврда партия ва совет ташкилотлари ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг муҳим воситаси сифатида аёллар артелларини тузишга киришдилар. Жумладан, 1926 йил март ойида Хивада илк бор «Уйғониш» ва «Қизил меҳнаткаш» номли аёллар тикувчилик ва ипакчилик артеллари ташкил этилди. «Уйғониш» артелининг биринчи бошқаруви таркибига фаол аёл ишчилар Вера Мирзабаева, Соня Юсупова, Розия Яхшимуратова, Нёзжан Нуруллаева ва Гулжан Атажанова кирдилар. Артел таркибида 30 дан ортиқ ишчи аёл бор эди. 1927 йили Янги Урганчда 50 дан ортиқ ишчи аёлларни бирлаштирган «Қизил Шарқ» номли аёллар тикувчилик артели ташкил қилинди[9:24]. 1926 йил 1 октябрь ҳолатига кўра ҳунармандчилик артелларидаги аёлларнинг умумий сони 572 нафарни ташкил қилиб, бу кооперацияга жалб қилинганлар 4,7 фоизига тенг эди. Шундан сўнг уларнинг сони 771 нафаргача ошди, бу эса умумий кооперацияга жалб қилинган 12 816 кишига нисбатан тахминан 6,8 фоизни ташкил қилди[15:259].

1927 йилга келиб Ўзбекистонда хунармандчиликдаги аёллар меҳнати, махсус хусусиятлари, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўзига хослиги ва маҳаллий аёлларни “озод этиш” билан боғлиқ умумсиёсий аҳамияти туфайли алоҳида эътибор ва кенг камровли давлат тадбирларини талаб қилди. Ўзбекистон шаҳарларидаги хунармандчилик фаолиятида доимий равишда банд бўлган аёллар сони мавсумий ишларда қатнашадиган, маҳаллий пахта ипларини ишлаб чиқаришда иштирок этувчиларни ҳисобга олмаганда 10 310 нафарни ташкил этди. Аёл хунармандларнинг катта қисми ҳудудий жиҳатдан Андижон, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд округларига тўғри келди[14:22].

Ўзбекистон хунармандчилик кооперациясида аёллар артелларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда йиллар бўйича улар сонининг ўсиб бориши қуйидагича ифодаланди[11:37]:

1925–1927 йиллар	8 та артель	347 киши
1926–1927 йиллар	16 та артель	572 киши
1927–1928 йиллар	30 та артель	648 киши
1928 йил апрел	50 та артель	1560 киши

Аёллар артелларининг хўжалик фаолиятига тааллуқли ҳолатда таъкидлаш лозимки, улар асосан Ўзбекистон хунармандчилик уюшмаси томонидан олиш имконияти чегараланган ўта танқис бўлган хом ашё билан ишлар эди. Зарур хом ашё ва яримтайёр маҳсулотларни олишнинг иложи йўқлиги аёллар артеллари фаолиятидаги асосий тўсик ҳисобланди. Бу ҳолат артелларга меъёردаги иш юкламасини бериш, уларнинг фаолиятини белгиланган режа асосида олиб бориш ҳамда кенгайтишига имкон бермади[11:44].

1928 йил 1 ноябрда аёллар косиб-хунармандчилик артелларида ўтказилган ишлаб чиқариш текшируви натижаларига кўра, текширилган 25 та аёллар артелидан Тошкент, Фарғона, Марғилон, Андижон ва Наманган округларига тегишли 20 та артель ҳақиқий аёллар артели бўлиб, 5 та артель эса аъзолари таркиби ва иш услуби жиҳатидан нон тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни аслида эса эркакларники бўлган. Ихтисослашуви бўйича артеллар қуйидагича тақсимланди:

Йўналиши	Артеллар сони	Аъзолар сони
Тикувчилик	10 та	227
Ип йиғириш	4 та	135
Тўқимачилик	3 та	50
Текстилтиль	1 та	11
Пахтага ишлов бериш	1 та	9 аъзо
Дўппичилик	1 та	25 та аъзо
жами	20 та	457 аъзо

Худудлар бўйича тақсимланишига кўра Тошкент округида 8 та, Наманганда 1 та, Андижонда 1 та, Қўқонда 3 та, Марғилонда 7 та артель фаолият кўрсатди. Аъзолар таркибига бўйича аёллар 447 нафар, эркаклар 10 нафарни ташкил этди. Миллати бўйича

ўзбек аёллари 288, европаликлар 57, маҳаллий яҳудий аёллари 41, татар аёллари 35, тожик аёллари 25, арман аёллари 11 нафар эди. Ижтимоий аҳволи бўйича таҳлилга кўра, молиявий жиҳатдан аъзоларнинг кўпчилиги ўрта ҳол аҳоли қатламига мансуб. Фақат қишлоқлардаги ип йиғириш (прядильный) артеллари камбағал аҳоли ҳисобидан тузилган[13:1]. Барча 20 та аёллар артели бўйича умумий пай бадаллари миқдори 10 418 рублни ташкил қилди. Аслида эса жами 2 135 рубл йиғилган. Айрим аъзолар билан бўлган суҳбатлардан маълум бўлдики, пай тўланмаслигининг сабаби ташкилотнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигига ишончсизлик ҳамда меҳнат билан топилган тийинни йўқотишдан қўрқиш билан изоҳланди[13:2].

Самарқанддаги «Хотин-қизлар меҳнати» артелида 200 дан ортиқ маҳаллий аёллар кийим ва дўппиларга бадий безак тикиш билан шуғулланди. «Хужум» артелида ҳам 200 га яқин аёллар машҳур экспортбоп гиламдўппиларни тикиш билан банд бўлди[1:23].

«Ўзбекторг»нинг хориждаги Бош ваколатхонаси маълумотларига кўра, хориж бозорида чизиқли ва катакли ипак матоларга, шунингдек, рўмоллар, шарфлар, кичик ҳажмдаги ипак нақшли чоклар, ипак халатлар, Қарши ва Китобда тайёрланган дастурхонларга талаб мавжуд. Улар нозик ва кўп рангли орнаментлар билан ишланган. Бундан ташқари, қўл меҳнати билан тикилган бадий ишланган сўзаналар, ипак ёпинчоқлар ҳам яхши сотилади. Экспорт учун 120 минг рубллик гилам тайёрлаб қўйилган. Ваколатхона юқоридагиларни инобатга олиб хорижий мамлакатларнинг айрим нуқталарда маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларининг кўرғазмалари ташкил этилса, уларга бўлган талаб хориж бозорида анча ортишини маълум қилди[3]. Маълумотлардан кўриниб турибдики, хорижда ҳунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёж бўлишига қарамай, хом ашё танқислиги ва режали иқтисодиётнинг мавжудлиги шароитида миллий ҳунармандчилик тараққий эта олмади.

1938 йил ва 1939 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳисобот даври мобайнида Ҳунармандчилик кооперацияси касса уюшмаси тизими 8 та туманлараро кассани, 3 та суғурта пунктларини, 30 та болалар боғчасини ва 20 та яслини бирлаштирди[16:35]. Бу ўринда боғча ва яслиларнинг мавжудлиги аёлларни артел ишига жалб қилишдаги энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Маълумки, Ҳунармандчилик кооперацияси ўзининг суғурта кассаси тизимига эди. Ҳунармандчилик кооперацияси инспекцияси (таркибида 9 киши) ушбу давр мобайнида республика бўйлаб 332 та артелга хизмат кўрсатди. Умумий суғурталанганлар сони 44 000 нафарни ташкил этди, шундан 13 000 нафари аёллар ва 800 нафари ўсмирлардир. Айрим ҳудудлардаги контқарсиз фаолият туфайли, артелларнинг аъзолар ҳаётига таҳдид туғдирадиган 150 та алоҳида цехларини ёпишга мажбур бўлинди[16:43]. 1938 йилда Республика бўйича 5 та ўлим ҳолати қайд этилган бўлган бўлса,

1939 йилнинг биринчи ярмидаёқ 4 та ўлим ҳолати бўлди[16:44]. Артеллардаги меҳнат шароитларини оғирлиги, мослаштирилмаган бинолардаги фаолияти ҳам аёлларни кооперативлаштиришда ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон хунармандчилик кооперацияси президиуми томонидан 1940 йил 25 майда стахановчи-усталар мактаблари тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Стахановчи-усталар мактабларининг асосий мақсади - стахановчиларнинг техникавий билимларини инженер-техник соҳасидаги ходимлар даражасигача оширишни таъминлашдан иборат. Мактаблар стахановчилар орасидан ишлаб чиқаришдаги маъмурий-техник лавозимларига тайинлаш учун захира кадрларни тайёрлаш лозим эди. Стахановчи усталар мактаблари стахановчиларни ўқитишнинг бир шакли бўлиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этилди[17:6].

30-йилларнинг охирига келиб артеллардаги аёллар сони ортиб борди. Асосий кўрсаткичлар[18:1]:

№		1938	1939	1940
1	Хунармандчилик уюшмалари сони	26	26	21
2	Артеллар сони	321	391	436
3	Аъзолар сони	46218	56344	63496
4	Умумий устахоналар сони	1699	2107	2480
5	Стахановчилар сони	3404	6891	8551
6	Артеллардаги аёллар сони	12914	16619	21120

1942 йил 14 февралда Хунармандчилик кооперацияси раиси ўринбосарининг Бухоро области уюшмаси ташкилий бюроси раисига юборган хатига кўра, Польша фуқароларини ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракатлар доирасида, уюшма артелларида поляк мутахассислари ва ҳарбий хизматчиларининг аёлларини иш билан таъминлаш масаласи билан шуғулланиш сўралди. Бу мақсадда, уларнинг меҳнатидан ишлаб чиқариш цехларида ва уй меҳнати орқали (надомничество) озиқ-овқат, тўқимачилик ва тикувчилик соҳаларидаги артелларда фойдаланиш таклиф этилди. Агар зарурат бўлса, янги цехлар ташкил этиш ва хомашё имкониятлари мавжуд бўлса, янги артеллар очиш ҳам тавсия этилди[20:8]. Бу даврга келиб артеллар нафақат иш билан таъминлаш балки, аъзоларининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

“Правда Востока” газетасининг 1942 йил 20 сентябрдаги сонидида “Эски кийим-кечакни янгилаб қайта ишляпмиз” номли мақолада ёзилишича, уруш даври шароити тўқимачилик ва тикув хунармандчилик уюшмалари тизими олдиға ўз ишлаб чиқаришини фронт эҳтиёжлари учун қайта куриш вазифасини қўйди. Тикувчилик артелларининг аксарияти кишки кийимлар хусусан, телегрейка, пахтадан тикилган шимлар, шапкалар ҳамда Қизил Армия жангчилари учун бошқа буюмларни тайёрлаш билан банд бўлди. Янги

махсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда малакали ишчилар етишмаслиги айрим кийинчиликларни келтириб чиқарди. Бундай пайтда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва уй бекалари ёрдамга келди. Ўндан ортиқ артеллар катта ҳажмда қишки кийим-кечакни ювиш, кимёвий тозалаш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари билан муваффақиятли шуғулланди. Август ойининг иккинчи ярмида бешта артель Қизил Армия учун нимча (полушубок)ларни қайта тиклаш ишларига киришди[19:2].

Хунармандчилик кооперацияси бир вақтда ногиронлар кооперацияси ҳам фаолият олиб борди. Ўзбекистон КП (б) МҚ нинг хотин-қизларга доир қарорини ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент области ногиронлар кооператив уюшмасида 1951 йилда 698 та аёл яъни, 24,8 фоиз бўлган бўлса, 1952 йилга келиб уларнинг сони 970 та бўлиб, 30,6 фоизга етказилди[21:34]. 1951 йилда илғор аёллар орасидан янада масъулиятли ишларга, хусусан “Кооператор” артелининг тикиш цехида ишловчи, миллати ўзбек бўлган стахановчи Н. Нурматова оммавий-маданий ишлар бўйича артель бошқаруви раиси ўринбосари, “Победа” артелида ишловчи А. Аганесова артелнинг техник раҳбари лавозимларига тайинланди[21:35].

1952 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон ногиронлар кооперацияси тизимида ишлаётган аёллар тўғрисида маълумот қуйидагича бўлди[21:7]:

	Умумий сони	Ўзбеклар	Бошқалар
Тошкент	970	131	839
Самарқанд	333	121	219
Бухоро	105	57	48
Андижон	366	233	132
Наманган	263	178	85
Фарғона	308	201	107
Хоразм	83	64	19
ҚҚАССР	20	15	5
жами	2448	1000	1448

Хулоса. Совет ҳукуматининг кооператив ҳаракатига муносабати ўзгарган бўлса-да, Хунармандчилик ва Ногиронлар кооперацияси тузилишидан токи 1960 йилда тугатилгунга қадар нафақат аҳолининг иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, балки аёлларни ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг муҳим шарти сифатида фаолият олиб борди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан аёлларни кооперативларга бирлаштириш муҳим масалалардан бирига айланди ва партия органларида хотин-қизлар бўлими ушбу масала шуғуллана бошлади. Бу жараён ўтган асрнинг 20-йилларда секинлик билан борган бўлсада, 30-йиллар охирига келиб артеллардаги аёллар сони салмоқли равишда ўсиб борди. Бу эса маҳаллий ҳокимият органлари хунармандларни кооперативларга бирлаштириб, уларни режали бошқарув усулларига бўйсундириши ҳамда майда хунармандлар ўртасида кооперативлашиш жараёнини тезлаштиришга интиланлиги билан боғлиқ эди.

Умуман олганда аёлларнинг артелларга бирлаштириш орқали ишлаб чиқаришга жалб этилиши ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилишда аҳамиятли бўлиб, уларнинг меҳнатидан кенг фойдаланишга олиб келди. Лекин меҳнат шароитларининг мураккаблиги, қўл меҳнатининг устунлиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Совет ҳукуматининг хотин-қизлар меҳнати масаласидаги сиёсати кутилганидек тезлик билан амалга ошмаган бўлсада, ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вашков. Промысловая кооперация к десятилетию Узбекской ССР // Промысловая кооперация. 1934. №12.
2. Ибрагимова А.Ю. Осуществление ленинского кооперативного плана (1927 – 1939 гг). Автореф. Дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 1971; Тураев Х. Развитие потребительской кооперации Узбекистана в период строительства коммунистического общества (1959 – 1970 гг). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1974, Юлдашева Т. Роль сельскохозяйственной кооперации в социалистическом преобразовании сельского хозяйства Узбекистана (1925 – 1929 гг). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1974; Каримов С. История кооперирования трудовых кустарей и ремесленников в период строительства социализма в Узбекистане. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1979.
3. Кустарные изделия-за границу / Правда Востока. 1929, 17 май. №113
4. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК, т. 2, Москва., 1970
5. “Народное хозяйство Туркестана”, 1920, №3.
6. Цыпкина М. А. Сырьевая база промкооперации Узбекистана. Дисс. ... канд. эконом. наук. – Ташкент, 1948.
7. Цыпкина М. А. Развитие промышленной кооперации Узбекистана. Дисс. ... канд. эконом. наук. – Ташкент, 1953.
8. Шакирова С. Социалистическое преобразование ремесленно-кустарного производства в Советском Туркестане (1917-1924). Дисс. канд. ист. наук... Ташкент .1978.
9. Шарипова М. Раскрепощение женщин Хорезма и участие их в социалистическом строительстве. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1968.
10. БухороВДА, 344-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд
11. Ўз МА, Р-9-фонд, 1-рўйхат, 5401-йиғма жилд
12. Ўз МА, Р-27-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд
13. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5137-йиғма жилд
14. Ўз МА, Р-88-фонд, 1-рўйхат, 2092-йиғма жилд

15. Ўз МА, Р-89-фонд, 1-рўйхат, 384-йиғма жилд
16. Ўз МА, Р-2325-фонд, 1-рўйхат, 92-йиғма жилд
17. Ўз МА, Р-2325-фонд, 1-рўйхат, 235-йиғма жилд
18. Ўз МА, Р-2325-фонд, 1-рўйхат, 252-йиғма жилд
19. Ўз МА, Р-2325-фонд, 1-рўйхат, 434-йиғма жилд, Правда Востока 1942 г. 30

август

20. Ўз МА, Р-2325-фонд, 1-рўйхат, 443-йиғма жилд
21. Ўз МА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 674-йиғма жилд.